ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ОРАЗБАЙЕВА ГУЛМИРА ЭГАМБЕРГЕНОВНА

ҒЎЗАДА ТАБИИЙ БАРГ ТЎКИШ ХУСУСИЯТИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ ВА МОРФОХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ БИЛАН БОҒЛАНИШИ

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УЎТ: 633.511:512.127:581.169

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural sciences

Оразбайева Гулмира Эгамбергеновна
Ғўзада табиий барг тўкиш хусусиятининг ирсийланиши ва морфохўжалик белгилари билан боғланиши.....3

Оразбайева Гулмира Эгамбергеновна
Наследование естественной листопадности и взаимосвязь с морфохозяйственными признаками хлопчатника 23

Orazbayeva Gulmira Egambergenovna
Inheritance of natural leafletness and interaction with the morphological signs of cotton .....….....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….....47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ОРАЗБАЙЕВА ГУЛМИРА ЭГАМБЕРГЕНОВНА

ҒЎЗАДА ТАБИИЙ БАРГ ТЎКИШ ХУСУСИЯТИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ ВА МОРФОХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ БИЛАН БОҒЛАНИШИ

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Qx372 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Бабаев Яшин Аманович** қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	**Намазов Шадман Эргашович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
	Ризаева Сафия Мамедовна биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «____» _____ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (539079 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «____» _____даги _____- рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ/х.ф.д

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда пахтачиликда барча тадбирларни механизациялашган ҳолда ўтказишга мослашган ғўза навларини яратиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. АҚШ, Хитой, Исроил ва бошқа мамлакатларда етиштирилган пахта хом-ашёсини йиғиштириб олишда механизация ёрдамидан кенг фойдаланилади ва бу мамлакатларда хом-ашё бир мартада териб олинади. Ҳосилни машиналарда териб олиш ишларини енгиллаштириш учун теримдан олдин ғўза баргини сунъий тўктиришда турли дефолиантлардан фойдаланилади. Бу тадбирга кетадиган ҳаражат эса 1 гектар майдонга ўртача 50-60 АҚШ долларини ташкил этади. Олимларнинг фикрича, дефолиантлар маълум миқдорда заҳарли ҳисобланади, заҳар тирик организмларда тўпланиш қобилиятига эга, инсон соғлиги ва наслига салбий таъсир кўрсатади.

Дунёнинг пахтачилик билан шуғулланиб келаётган мамлакатларида табиий барг тўкиш хусусиятига эга бўлган навлар яратишга жуда кам эътибор қаратилган. Бу йўналишдаги маълум даражадаги илмий изланишлар асосан Туркманистонда олиб борилган[1]. Бунда Н.И.Вавилов номидаги Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг дунё коллекциясидаги экспериментал мутагенез усулида яратилган барг тўкиш хусусиятига эга бўлган Генетик-34 ва Генетик-39 навларидан бошланғич ашё сифатида фойдаланилган.

Республикамизда сўнгги йилларда иқлим шароитининг ўзгариши, ғўза парваришида қўлланиладиган ресурсларни нархини ошиб бораётганлиги ғўзадан мўл ва сифатли ҳосил олишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, кўсаклар очилишини кечикиши фермер хўжаликларини асосий ҳосилни октябрь ойида паст навларда йиғиб олишига олиб келмоқда. Бунда қўл терими майдонларида ҳам қўшимча ҳаражат эвазига дефолиация тадбирларини қўллашга тўғри келмоқда. Ғўзани дефолиация қилиш кўп харажатли тадбир эканлиги маълум. Бир гектар майдонни дефолиация қилиш учун камида 300-350 минг сўмдан ортиқ маблағ зарур бўлади. Бу харажатлар Республика миқёсида жуда катта миқдордаги маблағни талаб этади. Бу муаммоларни бартараф этишда тезпишар, табиий барг тўкиш хусусияти юқори, тола чиқими ва сифати тўқимачилик саноати талабларига жавоб берадиган янги навларни яратиш самарали йўллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3-устувор йўналишида белгиланган «...юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» вазифаси билан қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачиликни янада ривожлантириш каби муҳим вазифалар белгиланган[2].

---

[1]www http://info@ rust m.net. www. ref. db.ru. www. freepatent. ru

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 29 августдаги «Селекция ютуғи» ва 2019 йил 16 февралдаги «Уруғчилик» тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №ПҚ-3698 сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрь «2019 йилда ғўза навларини оқилона жойлаштириш ва пахта хом-ашёсини етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги №1037 қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш – пахта етиштириш ва уни йиғиб териб олишни комплекс механизациялаш талабини илгари сурди. Кўпгина олимлар В.Н.Фурсов, А.Э.Эгамбердиев ва М.Д.Даминов, Т.А.Бархатова, Я.А.Бабаев ва А.Б.Амантурдиев, Р.Г.Ким ва бошқ, А.Б.Амантурдиев ва бошқалар томонидан морфохўжалик белгилар мажмуига ва эрта табиий барг тўкиш хусусиятига эга бўлган навларни яратишда ушбу белгиларни ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу йўналишда маълум бир ютуқларга эришилган бўлиб, бир қатор олимлар томонидан эрта табиий барг тўкиш хусусиятига эга бўлган кам баргли тизма ва навлар яратилган. Шунга қарамай, селекционер олимлар ҳанузгача қимматли хўжалик белгилари мажмуига эга кам баргли ва эрта табиий барг тўкадиган навларни яратиш йўлида мақсадли назарий ва амалий усулларга эга эмас. Шунинг учун ушбу хусусиятларга эга навларни яратиш борасида белгилар бўйича бир-биридан кескин фарқ қиладиган (контраст) тизма ва навларни чатиштиришга жалб этган ҳолда белгининг ирсийланиш характерини, унинг бошқа белгилар билан ўзаро боғлиқлигини ҳар томонлама ўрганиш зарур.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг КХА-9-054 «Тола сифати IV-V типга мансуб, юқори тола чиқимига (38-42%) эга, вилт ва бошқа қишлоқ хўжалиги касалликларига комплекс чидамли, юқори маҳсулдор, ўсув даври 95-115 кун бўлган ғўзанинг детерминант

паст ва ўрта бўйли навларини яратиш» (2009-2011йй.); КХА-8-080 «Тезпишар, серҳосил, юқори тола чиқими (38-42%) ва сифати IV-V типга мансуб, вертициллиум замбуруғининг табиий янги вирулент популяцияларига ҳамда қора илдиз чириши ва гоммозга комплекс бардошли ғўза навлари ва тизмаларини яратиш» (2012-2014 йй.); ҚХА-8-125-2015 «Интенсив, тезпишар, сермаҳсул, тола чиқими юқори (38-42%) ва сифати IV-V типга жавоб берадиган, вертициллиум ва фузариум замбуруғларнинг табиий янги вирулент популяцияларга мажмуавий чидамли бўлган нав ва тизмаларини яратиш» (2015-2017 йй.); КХ-А-КХ-2018-137 «Ўрта толали интенсив типга мансуб оила ва тизмалар асосида серҳосил, юқори тола сифати ва чиқимига эга, вилт замбуруғининг янги вирулент штаммларига комплекс бардошли янги ғўза навини яратиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *G.hirsutum* L. туричи дурагайларида ғўзада табиий барг тўкиш хусусиятини ирсийланишини ва унинг тезпишарлик, маҳсулдорлик, бир дона кўсакдаги пахта хом-ашёси вазни, тола чиқими ва сифати билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, бунинг асосида юқори табиий барг тўкиш хусусиятига эга, тезпишар ва қимматли хўжалик белгилари мажмуига эга дурагай материаллар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

табиий барг тўкиш хусусиятига, маҳсулдорлик, тезпишарлик ва ҳамда бошқа қимматли хўжалик белгиларига эга, вертициллёз вилт касаллигига бардошли нав намуналарини аниқлаш;

F_1-F_3 ва беккросс дурагайларида табиий барг тўкиш хусусияти, тезпишарлик, маҳсулдорлик, вертициллёз вилт касаллигига бардошлилик, шунингдек, бир дона кўсакдаги пахта хом-ашёси вазни, тола чиқими ва сифати ва бошқа морфохўжалик белгиларини ирсийланишини аниқлаш;

F_2 авлодларида табиий барг тўкиш хусусиятини маҳсулдорлик, тезпишарлик, бир дона кўсакдаги пахта хом-ашёси вазни, тола чиқими ва сифати билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

олиб борилган изланишлар натижасида табиий барг тўкиш хусусияти юқори, тезпишар, юқори маҳсулдор, вилт касаллигига бардошли бўлган оила ва тизмалар яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида яратилган Т-5 (листопадная) тизмаси ва институтнинг «Интенсив типга мансуб ғўза навлари селекцияси» лабораториясида яратилган С-8288 нави, Т-162, Т-155, Т-1708, Т-175/245, Т-303, тизмалари ва Т-303 х Т-175/245, Т-303 х Т-5 (листопадная), С-8288 х Т-175/245, С-8288 х Т-5 (листопадная), Т-155 х Т-175/245, Т-155 х Т-5 (листопадная), Т-1708 х Т-175/245, Т-1708 х Т-5 (листопадная) дурагайларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ғўзанинг табиий барг тўкиш хусусиятига эга бўлган тизмалари иштирокида географик узоқ чатиштиришдан

олинган дурагайларда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, авлодларда шаклланиши ва улар орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликларни аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари F_1 дурагайларда устунлилик даражаси Y.M.Beil, R.E.Atkins (1965) формуласига мувофиқ, ирсийланиш коэффициентини эса A.Allard (1966) формуласига биноан аниқланган. Толанинг сифат кўрсаткичлари «Сифат» маркази лабораториясида HVI тизимида OzDst 604-2001 андозасига мувофиқ, олинган рақамли натижалар эса Б.А.Доспехов (1985) кўрсатган услубда таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи маротаба кам баргли ва эрта табиий барг тўкиш хусусиятига эга бўлган маҳаллий навлар ҳамда тизмалараро чатиштиришдан олинган F_1-F_3 дурагайларида эрта табиий барг тўкиш хусусияти ва унинг морфохўжалик белгилари билан боғлиқлиги ўрганилган;

ғўзанинг туричи F_1 дурагайларида эрта табиий барг тўкиш хусусияти бўйича устунлик, ўта устунлик ва оралиқ ҳолдаги ирсийланиш аниқланган, F_2 дурагайларида кенг диапазондаги ўзгарувчанлик кузатилиб, вариацион қаторнинг чап ва ўнг томонида жойлашган трансгрессив ўсимликлар ажралиб чиққанлиги қайд этилган;

табиий барг тўкиш хусусиятининг бошқа қимматли хўжалик белгиларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ирсийланиши аниқланган ва ғўза селекциясида табиий барг тўкиш хусусияти юқори ва қимматли хўжалик белгиларига мажмуига эга бўлган навларни яратиш мумкинлиги исботланган;

морфохўжалик белгиларини F_1 дурагайларида ўта устунлик, устунлик ва оралиқ ҳолда ирсийланиши, F_2 дурагайларда эса кўп ҳолларда кенг миқёсдаги ўзгарувчанлик кузатилиб, трансгрессив ўсимликлар ажралиб чиққанлиги қайд этилган;

изланишлар натижасида табиий барг тўкиш хусусияти юқори бўлган, тезпишар, юқори маҳсулдор, вилт касаллигига бардошли бир қатор ноёб янги оилалар ва тизмалар яратилган ва бошланғич ашёлар сифатида тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

табиий барг тўкиш хусусияти юқори, кам баргли, морфохўжалик белгилари мажмуига эга, шунингдек, вилт касаллигига бардошли тизма ва оилалар олинган;

яратилган тизма ва оилалар, табиий барг тўкиш хусусияти юқори, тезпишарлиги, маҳсулдорлиги ҳамда IV-V тип тола сифатига эга бўлган нав ва тизмаларни яратишда юқори генетик ва селекцион қимматга эгадир;

олиб борилган изланишлар натижасида юқори эрта табиий барг тўкиш хусусиятига эга тезпишар, юқори маҳсулдор Т-115, Т-45, Т-1435, Т-932/1018 ва Т-1993 тизмалари яратилган;

ғўзанинг тезпишар, юқори маҳсулдор, вилт касаллигига бардошли С-8295 нави яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибалари услубий жиҳатдан тўғрилиги ҳар йили апробациядан ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларининг бир-бирига мослиги, олинган натижаларни замонавий компьютер технологиялардан фойдаланган ҳолда статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, хулоса ва қонуниятларни илмий асосланганлиги, натижаларни таққосланганлиги, олинган натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ота-она шакллари ва туричи F_1-F_3 дурагайларида табиий барг тўкиш хусусияти ва бошқа морфохўжалик белгиларининг турли генетик характерни (устунлик, ўта устунлик ва оралиқ ирсийланиш) намоён қилганлиги, табиий барг тўкиш хусусияти билан морфохўжалик белгилари ўртасида ўзаро сезиларли боғланишлар кузатилмаганлиги, табиий барг тўкиш хусусияти юқори бўлган ва қимматли хўжалик белгиларига мажмуига эга навларни яратиш мумкинлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори табиий барг тўкиш хусусиятига эга, тезпишар, ҳосилдор ва вилт касаллигига бардошли, тола сифати IV-V типга мансуб бўлган бир қатор оила ва тизмалар яратилганлиги, уларни генетик-селекцион тадқиқотларга бошланғич ашё сифатида тавсия этилганлиги, ғўзанинг тезпишар, юқори маҳсулдор, вилт касаллигига бардошли С-8295 нави яратилганлиги ва ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўзада табиий барг тўкиш хусусиятининг ирсийланиши ҳамда морфохўжалик белгилари билан боғланиши бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижалари асосида:

ғўзанинг янги тезпишар, табиий барг тўкиш хусусияти юқори, ҳосилдор, вилт касаллигига бардошли Т-1435, Т-115, Т-45, Т-1993 ва Т-932/1018 тизмалари яратилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 02/020-269-сон маълумотномаси). Натижада Т-115 ва Т-932/1018 тизмалари институт катта ва кичик нав синовидан муваффақиятли ўтган;

ғўзанинг янги С-8295 нави 2016-2019 йилларда Наманган вилоятида жами 5974,0 гектарда экилган ва бугунги кунда кенг ишлаб чиқариш синовидан ўтмоқда. 2019 йилда ғўзанинг янги С-8295 нави Фарғона вилояти Қўштепа туманида «Fergana Global Textile» МЧЖ агрокластерида 300,0 гектар майдонда жорий этилган (ЎзР. ҚХ вазирлиги 2019 йил 29 июндаги №02/020-898-сонли маълумотномаси).

Натижада ғўзанинг С-8295 навидан эртаги ва юқори ҳосил олинганлиги ҳисобига 2019 йилда соф даромад гектар ҳисобига 5754,6 минг сўмни ташкил этган;

Наманган вилояти Ҳокимлиги томонидан С-8295 навини 2020 йилда навни Давлат реестрига киритиш ва алоҳида элита уруғчилик хўжалиги ташкил этиш бўйича таклиф берилган (Наманган вилояти Ҳокимлигининг 2019 йил 31 октябрь, № 05/14-3244 сонли хати). Натижада ғўзанинг янги С-8295 нави 2020 йилдан бошлаб Наманган вилояти бўйича истиқболли деб топилиб Давлат реестрига киритилган;

С-8295 навига Адлия вазирлиги қошидаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан NAP 00211 рақамли Патент берилган (7.12.2018 й), (Интелектуал мулк агентлигининг 2019 йил 4 май № 01-11/801 сонли хати). Натижада ғўзанинг С-8295 нави селекцион ютуқ сифатида ҳуқуқий томондан ҳимояланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ва ғўза навига 1 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган бўлиб, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Пахтачиликда табиий барг тўкиш хусусиятининг аҳамияти, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишдаги роли бўйича адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича республика ва хорижда фаолият кўрсатган олимларнинг ғўзада табиий барг тўкиш хусусияти, унинг ирсийланиши ва бошқа

морфохўжалик белгилари билан ўзаро боғланиши, шунингдек, ғўзада асосий морфохўжалик белгиларини ирсийланиши ва вилт касаллигига бардошлилик йўналишлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар баён этилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароити, объектлари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида изланишларда фойдаланилган тадқиқот материали, услублари ва шароитлари баён қилинган.

Илмий-тадқиқот ишлари 2006-2019 йиллар мобайнида ПСУЕАИТИнинг «Интенсив типга мансуб ғўза навлари селекцияси» лабораториясида олиб борилган. Дала тажрибасида ўсимликларни ўсув даври давомида гуллаш ва пишиш даври, ўсимликдаги барглар сони ва уларнинг тўкилиши фоизи, вилт касаллигига бардошлилик, шунингдек, бошқа морфохўжалик белгилари фенологик кузатувлар ва ҳисоблар олиб борилган. Ўсимликларда барглар сони ва тўкилишини ҳисоблаш 3 муддатда 15 июль, 15 август ва 15 сентябрь муддатларида олиб борилган. Кузда хўжаликка қимматли белгиларни лаборатория таҳлилидан ўтказиш мақсадида намунавий, якка танлов ва оилавий теримлар амалга оширилган. Ўсимлик маҳсулдорлиги ҳар бир оила бўйича алоҳида аниқланган. Вилтга бардошлилик ўсимликни фенотипига қараб умумий ва кучли зарарланганлигига қараб аниқланган.

Тадқиқот манбаи сифатида ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида яратилган Т-5 (листопадная) ва ПСУЕАИТИ институтнинг «Интенсив типга мансуб ғўза навлари селекцияси» лабораториясида яратилган С-8288 нави, Т-155, Т-1708, Т-175/245, Т-303, Т-162 тизмалари ва Т-303 х Т-175/245, Т-303 х Т-5 (листопадная), С-8288 х Т-175/245, С-8288 х Т-5 (листопадная), Т-155 х Т-175/245, Т-155 х Т-5 (листопадная), Т-1708 х Т-175/245, Т-1708 х Т-5 (листопадная) дурагайларидан фойдаланилди.

F_1 дурагайларида устунлик даражаси Y.M.Beil ва R.E.Atkins, (1965), ирсийланиш коэффициенти A.Allard (1966) формулалари асосида ва натижаларни статистик таҳлили Б.А.Доспехов (1985) кўрсатган услуб бўйича аниқланди.

Диссертациянинг **«Ғўзанинг маҳаллий нав ва тизмалари иштирокида олинган дурагайларда барг тўкиш хусусиятининг ирсийланиши ва морфохўжалик белгилари билан ўзаро боғлиқлиги»** номли учинчи бобида ота-она шакллари ва улар иштирокида олинган F_1, F_2, F_3 ва F_4 дурагайларида табиий барг тўкиш хусусиятининг ирсийланиши ва белгининг авлоддан-авлодга ўтиши ҳамда барг тўкиш хусусиятининг бошқа морфохўжалик белгилари билан ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, ота-она шакллари ва дурагайларда морфохўжалик белгиларини ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлил қилинган.

F_1 дурагайларда барг тўкиш хусусиятининг ирсийланиши Т-155 х Т-175/245, Т-155 х Т-5 (листопадная), Т-303 х Т-175/245 ва Т-303 х Т-5 (листопадная) дурагай комбинацияларида юқори устунлик ва устунлик

билан характерланди, қолган дурагай комбинацияларида эса оралиқ ҳолдаги ирсийланиш кузатилди. Ушбу дурагай комбинацияларда барг тўкиш даражаси мос равишда 71,3; 67,3; 67,3 и 67,6% бўлди. Барг тўкиш хусусиятининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини F_2 авлодлардаги таҳлили кўп ҳолларда дурагай ўсимликларнинг барг тўкиш хусусияти паст бўлган ота-она шакллари томонига силжиганлиги аниқланди, баъзи ҳолларда белгининг устунлиги кузатилиб, чап ва ўнг томонлама трансгрессия аниқланди.

Ирсийланиш коэффициенти h^2F_1/F_2 кўрсаткичи чатиштириш комбинацияларига боғлиқ равишда 0,01-0,14 оралиғида бўлиб, нисбатан юқори ирсийланиш коэффициенти С-8288 х Т-5, Т-155 х Т-175/245 ва Т-155 х Т-5 дурагай комбинацияларида аниқланди ва мос равишда 0,14; 0,12 ва 0,12 ни ташкил этди. Қолган дурагай комбинацияларда ирсийланиш коэффициенти 0,01-0,07 оралиғида бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Ота-она шакллари ва F_1-F_3 дурагайларида табиий барг тўкиш хусусиятининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги *(2007-2009 йй.)*

№	Нав, тизма ва дурагай комбинациялар	F_1		F_2			F_3		
		M_1±m	hp	X±Sx	S	h^2 F_1/ F_2	X±Sx	S	h^2 F_2/F_3
1	С-8288	38,6±8,3	-	39,3±1,7	9,3		41,6±2,8	9,8	
2	Т-175/245	66,3±7,4	-	63,8±1,2	11,5		66,6±2,4	8,3	
3	Т-5 (листоп)	64,0±3,7	-	60,8±1,1	12,5		62,5±2,5	8,9	
4	Т-155	49,3±0,8	-	48,0±1,8	9,8		49,1±2,8	10,0	
5	Т-303	35,8±8,8	-	41,3±1,9	10,7		39,6±2,1	7,8	
6	Т-1708	49,5±1,3	-	51,7±0,6	5,7		53,3±2,7	9,3	
7	С-8288 х Т-175/245	49,6±1,6	0,2	42,6±1,3	15,0	0,07	46,8±1,7	16,1	0,40
8	С-8288х Т-5 (лист)	56,6±2,1	0,4	38,5±1,2	14,1	0,14	41,4±1,5	15,4	0,44
9	Т-155 х Т-175/245	71,3±6,1	1,5	56,1±1,7	19,4	0,12	59,7±2,0	18,1	0,41
10	Т-155 х Т-5 (лист)	67,3±12,7	1,4	59,0±1,8	19,7	0,12	61,8±2,4	20,8	0,39
11	Т-303 х Т-175/245	67,3±13,2	1,1	61,9±1,7	19,6	0,01	58,1±1,8	19,0	0,40
12	Т-303 х Т-5 (лист)	67,6±10,8	1,0	62,3±1,7	19,0	0,03	60,4±1,9	20,3	0,35
13	Т-1708 х Т-175/245	58,1±2,9	0,5	56,5±1,3	14,5	0,07	52,8±1,8	16,3	0,31
14	Т-1708 х Т-5	57,4±4,0	0,5	55,5±1,2	13,2	0,03	52,0±1,6	14,3	0,39

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, барг тўкиш хусусияти бўйича иккинчи авлод дурагайларида кенг ўзгарувчанлик диапазони кузатилиб, паст ва юқори кўрсаткичга эга бўлган ўсимликларни ажралиб чиқиши кузатилди. Ўзгарувчанлик коэффициенти дурагай комбинацияларга боғлиқ равишда 11,0% дан 100,0% оралиқда бўлди (1-расм).



1-расм. Ғўзанинг нав, тизма ва F_2 дурагайларида табиий барг тўкиши хусусиятининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги *(2008 й.)*

F_3 дурагай оилаларида табиий барг тўкиш хусусияти 11,0% дан 100,0% гача ораликда бўлган оилалар намоён бўлди. Барг тўкиш хусусияти бўйича вариацион қаторда чап ва ўнг томонга силжиган трансгрессив ажралиш кузатилиб, оилаларни асосий қисми ота-она шакллари кўрсаткичлари оралиғида жойлашганлиги кузатилди. Бу ҳолат белгининг мураккаб генетик хусусиятга эга эканлигидан қатьий назар юқори барг тўкиш хусусиятига эга бўлган оилалар олиш мумкинлигидан далолат беради (2-расм).



2-расм. Ғўзанинг нав, тизма ва F_3 дурагайларида табиий барг тўкиши хусусиятининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги *(2009 й.)*

F_3 дурагайларида барг тўкиш хусусиятини наслдан-наслга берилиши бўйича бирмунча паст кўрсаткичлар Т-1708 х Т-175/245, Т-303 х Т-5 (h^2F_1/ F_2 - 0,31; 0,35) дурагай комбинацияларда, энг юқори натижа Т-155 х Т-175/245 ва С-8288 х Т-5 (h^2F_1/F_3 - 0,41;0,44) дурагай комбинацияларида кузатилди.

Олиб борилган тадқиқотларда F_2 дурагайларда табиий барг тўкиш хусусиятининг бош поя баландлиги, тезпишарлик, кўсаклар сони, битта кўсакдаги пахта хом-ашёси вазни, маҳсулдорлик, тола чиқими ва узунлиги белгилари билан ўзаро боғланиши ўрганилди (2-жадвал).

Барг тўкиш хусусияти билан бош поя баландлиги белгиси ўртасида барча комбинацияларда, Т-303 х Т-175/245 дурагай комбинациясидан ташқари, кучсиз ижобий ва кучсиз салбий боғланиш кузатилди. Т-303 х Т-175/245 дурагай комбинациясида бу кўрсаткич r=-0.37 ни ташкил этиб, ўртача салбий боғлиқлик аниқланди. С-8288 х Т-175/245(r=0,12), С-8288 х Т-5 (r=0,19) ва Т-155 х Т-5 (r=0,11) дурагай комбинацияларида кучсиз ижобий, Т-155 х Т-175/245 ва Т-303 х Т-5 дурагай комбинацияларида кучсиз салбий боғланиш кузатилди.

F_2 дурагайларида барг тўкиш хусусияти билан тезпишарлик белгиси ўртасида корреляция коэффициентлари кучсиз ижобий бўлганлиги (r=0,08-0,20) аниқланди, фақатгина Т-155 х Т-175/245 дурагай комбинациясида кучсиз салбий (r=-0,10) боғланиш кузатилди.

Олинган натижалар ушбу белгилар орасида сезиларли ижобий ёки салбий боғланиш мавжуд эмаслиги шуни кўрсатди ва танлаш йўли билан ҳар бир комбинациядан барг тўкиш хусусияти юқори ва тезпишар бўлган қимматли рекомбинантлар ажратиб олиш мумкинлигидан дарак беради.

Барг тўкиш хусусияти билан бир ўсимликдаги кўсаклар сони ўртасида аксарият дурагай комбинацияларда кучсиз салбий боғланиш (r=-0,02 дан r=-0,18 гача) аниқланди, шу билан бир қаторда С-8288 х Т-5, Т-1708 х Т-175/245, Т-1708 х Т-5 дурагай комбинацияларида кучсиз ижобий боғланиш (r=0,04 r=0,08 r=0,09) кузатилди. Шуни таъкидлаш жоизки, барг тўкиш хусусияти билан бир ўсимликдаги кўсаклар сони белгиси ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш кузатилмади (2-жадвал).

Барг тўкиш хусусияти билан кўсак йириклиги белгиси ўртасида ҳам сезиларли боғланишлар кузатилмади, ушбу белгилар ўртасида кучсиз салбий ва ижобий боғланиш аниқланди.

Барг тўкиш хусусияти ва маҳсулдорлик ўртасида кучсиз салбий ва ижобий корреляция кузатилиб, боғланиш коэффициентлари r=-0,07 дан r=-0,12 гача ва r=0,06 дан r=0,14 гача ораликда бўлди. Шунингдек, барг тўкиш хусусияти ва тола чиқими белгиси орасида сезиларсиз кучсиз салбий (r=-0,01-0,15) ва ижобий (r=0,10-0,18) боғланиш аниқланди.

2-жадвал

F_2 дурагайларида табиий барг тўкиш хусусиятини асосий морфохўжалик белгилар билан ўзаро боғланиши
(2008 й.)

№	Дурагай комбинациялар	Бош поя баландлиги		Тезпишарлик		Кўсаклар сони		Бир дона кўсакдаги пахта хом-ашёси вазни	
		r±Sr	tr	r±Sr	tr	r±Sr	tr	r±Sr	tr
1	С-8288 х Т-175/245	0,12±0,1	1,5	0,08±0,1	0,9	-0,02±0,1	-0,2	0,06±0,1	0,6
2	С-8288 х Т-5	0,19±0,1	2,3	0,20±0,1	2,2	0,04±0,1	0,4	0,16±0,1	1,8
3	Т-155 х Т-175/245	-0,04±0,1	-0,4	-0,10±0,1	-1,1	-0,10±0,1	1,1	-0,14±0,1	-1,6
4	Т-155 х Т-5	0,11±0,1	1,2	0,10±0,1	1,1	-0,07±0,1	-0,8	-0,07±0,1	-0,8
5	Т-303 х Т-175/245	-0,37±0,1	-4,3	0,12±0,1	1,3	-0,18±0,1	-2,0	-0,16±0,1	-1,7
6	Т-303 х Т-5	-0,06±0,1	-0,7	0,09±0,1	0,9	-0,18±0,1	-2,0	-0,13±0,1	-1,4
7	Т-1708 х Т-175/245	0,15±0,1	2,1	0,12±0,1	-1,4	0,09±0,1	0,9	0,18±0,1	-1,6
8	Т-1708 х Т-5	0,14±0,1	1,8	0,14±0,1	1,6	0,08±0,1	0,7	0,15±0,1	-1,7

№	Дурагай комбинациялар	Маҳсулдорлик		Тола чиқими		Тола узунлиги	
		r±Sr	tr	r±Sr	tr	r±Sr	tr
1	С-8288 х Т-175/245	0,09±0,1	1,1	0,10±0,1	1,0	-0,10±0,1	-1,1
2	С-8288 х Т-5	-0,09±0,1	-1,1	0,10±0,1	1,0	0,05±0,1	0,6
3	Т-155 х Т-175/245	0,06±0,1	0,6	-0,01±0,1	-0,1	0,06±0,1	0,6
4	Т-155 х Т-5	-0,12±0,1	-1,3	-0,04±0,1	-0,5	-0,11±0,1	-1,2
5	Т-303 х Т-175/245	-0,07±0,1	0,8	-0,02±0,1	-0,2	-0,11±0,1	-1,3
6	Т-303 х Т-5	-0,12±0,1	-1,5	-0,15±0,1	-1,6	-0,14±0,1	-1,6
7	Т-1708 х Т-175/245	0,06±0,1	0,6	0,18±0,1	-1,7	-0,13±0,1	-1,5
8	Т-1708 х Т-5	0,14±0,1	-1,8	-0,06±0,1	-0,5	0,05±0,1	0,6

Айнан шундай ҳолат барг тўкиш хусусияти ва тола узунлиги белгиси билан ҳам аниқланган бўлиб, кучсиз ижобий (r=0.05, 0.06) боғлиқлик кузатилди.

Олинган натижалар асосида шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, ғўзада барг тўкиш хусусияти ўрганилган морфохўжалик белгилари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ирсийланади, бу келгусида табиий барг тўкиш хусусиятига эга тезпишар, юқори маҳсулдор, хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга бўлган навлар яратиш мумкинлигидан далолат беради.

Тезпишарлик. Ота-она шакллари ушбу белги бўйича бир-биридан кескин фарқланмади. Энг қисқа ўсув даври Т-303 тизмасида (110 кун) бўлиб, нисбатан кечпишарлик Т-175/245 (115 кун) тизмасида кузатилди. Бошқа тизмаларда оралиқ ҳолдаги кўрсаткич аниқланиб, ўсув даври 112-113 кунни ташкил этди. Улар иштирокида олинган F_1 дурагайларида, Т-303 х Т-175/245 ва Т-303 х Т-5 дурагай комбинацияларидан (оралиқ ҳолдаги ирсийланиш) ташқари тезпишар ота-она шаклларининг устунлик қилгани кузатилди.

F_2 дурагайларида кенг миқёсдаги ажралиш жараёни кузатилиб, тезпишар ва кечпишар бўлган трансгрессив ўсимликлар ажралиб чиқди. Тезпишар ўсимликлар бирмунча кўпроқ намоён бўлгани аниқланди. Ўсув даврининг давомийлиги дурагай комбинацияларига боғлиқ ҳолда ўртача 103,0-110,3 кун оралиғида бўлди. Юқори тезпишарлик Т-175/245 тизмаси иштирокидаги С-8288 х Т-175/245, Т-155 х Т-175/245 ва Т-303 х Т-175/245 (мос равишда 103,6; 103,0; 103,0 кун) дурагай комбинацияларда кузатилиб, улар ота-она шаклларига нисбатан 3-5 кунга тезпишарликни намоён этди. Тезпишарлик бўйича фақатгина С-8288 х Т-5 ва Т-303 х Т-175/245 дурагай комбинацияларда наслдан-наслга берилиш коэффициенти (h^2F_1/F_2 - 0,68; 0,71) юқори бўлганлиги кузатилди.

F_3 дурагайларининг асосий қисми вегетация даври бўйича вариацион қаторнинг 105-113 кун бўлган синфларидан ўрин олганлиги аниқланди. Ушбу авлод дурагайларида қисқа 103-104 кун вегетация даврига эга бўлган ўсимликларни пайдо бўлиши F_2 дурагайларида катта ҳажмдаги трансгрессив ўсимликларни ажралиб чиқиши билан боғлиқдир.

Бир дона кўсакдаги пахта хом-ашёси вазни маҳсулдорлик ва ҳосилдорликни белгиловчи муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Ота-она шакллари ушбу белги бўйича бир-биридан кескин фарқланганлиги кузатилмаган бўлсада, Т-175/245 (5,8 г) тизмасида кўрсаткич бошқа ота-она шакллари кўрсаткичларига нисбатан бирмунча юқори бўлди. F_1С-8288 х Т-5 листопадная (hp=2,0), F_1Т-155 х Т-5 листопадная (hp=1,3) F_1Т-303 х Т-5 листопадная (hp=5,0), F_1Т-1708 х Т-175/245 (hp=1,0) ва F_1Т-1708 х Т-5 листопадная (hp=1,3) дурагайларида ижобий гетерозис, бошқа комбинацияларда эса оралиқ ҳолдаги ирсийланиш кузатилди.

F_2 дурагайларида кенг амплитудали ўзгарувчанлик кузатилиб, трансгрессив, вариацион қаторнинг ота-она шакллари чегарасидан 2-3

синф четлашган, ўсимликлар ажралиб чиқди, яъни чап ва ўнг томонлама трансгрессия кузатилди. Бунинг натижасида бир дона кўсакдаги пахта хом-ашёси вазни бўйича 8-9 г бўлган ўсимликлар ажратиб олинди.

F_3 дурагайларда ушбу белги бўйича ўзгарувчанлик бирмунча F_2 дурагайларидан фарқ қилиб аксарият оилалар 5-5,9 ва 6-6,9 г синфлар оралиғида жойлашди. Олинган натижалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, бир дона кўсакдаги пахта хом-ашёси вазни белгиси мураккаб миқдорий белги ҳисобланади. F_1 дурагайларда ирсийланиш оралиқ ҳолдаги, салбий ва ижобий гетерозис ҳолатлари намоён бўлган ҳолда устунлик ва ўта устунлик кузатилди. F_2 ва F_3 дурагайларда эса кенг миқёсдаги ўзгарувчанлик кузатилиб белги бўйича 8-9 г га тенг бўлган трансгрессив ўсимликлар ажралиб чиққанлиги кузатилди.

Маҳсулдорлик – мураккаб комплекс белги бўлиб, бир қатор белгилар кўсак йириклиги, кўсаклар сони, тезпишарлик, эртаги ҳосил бериш ва тола чиқими белгиларига боғлиқ бўлади. F_1 дурагайларида юқори маҳсулдорлик С-8288 х Т-175/245, Т-155 х Т-175/245, Т-155 х Т-5 листопадная, Т-303 х Т-5 ва Т-1708 х Т-5 листопадная дурагай комбинацияларда кузатилиб, белги бўйича ижобий ўта устунлик кузатилди. С-8288 х Т-5 листопадная ва Т-1708 х Т-175/245 дурагай комбинацияларида эса салбий гетерозис ҳолати кузатилиб, кўрсаткичлар ота-она шаклларига нисбатан паст бўлди.

F_2 дурагайларида маҳсулдорлик бўйича кенг миқёсдаги ўзгарувчанлик кузатилиб, ота-она шакллари вариацион қаторларидан 1-2 синфларга четлашган ўсимликлар ажралиб чиқди. F_2 Т-303 х Т-175/245 (h^2F_1/F_2-0,09),С-8288хТ-175/245(h^2F_1/F_2-0,39)дурагайкомбинацияларидан ташқари бошқа комбинацияларда h^2F_1/F_2-0,59-0,93 гача бўлган наслдан-наслга берилиш коэффициентлари аниқланди. Энг юқори кўрсаткич Т-5 тизмаси иштирок этган Т-155 х Т-5, С-8288 х Т-5, Т-1708 х Т-5 ва Т-1708 х Т-175/245 дурагайларида кузатилиб, наслдан-наслга берилиш коэффициентлари h^2F_1/F_2-0,71-0,93 оралиғида бўлди. Маҳсулдорлик бўйича ўзгарувчанлик коэффициенти F_2 дурагайларига нисбатан F_3 дурагайларида бир қанча паст бўлди. С-8288 х Т-175/245, Т-303 х Т-175/245, Т-303 х Т-5 ва Т-1708 х Т-5 дурагайларида эса ўзгарувчанлик коэффициенти F_2 дурагайларига нисбатан юқори бўлгани кузатилди.

Тола чиқими ҳосилдорлик, кўсак йириклиги, тола узунлиги ва технологик кўрсаткичлари каби маълум бир нав ичида минтақанинг тупроқ-иқлим, йилнинг метеорологик шароитлари ҳамда агротехник тадбирларга боғлиқ холда кучли ўзгарувчанликка эга. F_1 дурагай комбинацияларида тола чиқими белгисининг ирсийланишида Т-155 х Т-5 листопадная комбинациясидан ташқари (hp=-2.6) ижобий гетерозис ва оралиқ ҳолдаги ирсийланиш аниқланди.

Ушбу белгининг F_2 дурагайларида ажралиши вариацион қаторнинг 7 та синфлари чегарасида бўлиб, ота-она шаклларидан (4 синф) кенг бўлганлиги ва икки томонлама трансгрессия ҳолати кузатилди. Ота-она шакллари тола чиқими бўйича бирмунча контраст кўрсаткичлар билан

характерланди. Тола чиқими бўйича ўртача кўрсаткич С-8288 навида ва Т-303 тизмасида кузатилиб, мос равишда 38,4% ва 37,9% ни ташкил этди. Дурагайларнинг ўзгарувчанлиги ва трансгрессив ажралиш аксарият ҳолларда оналик шаклига боғлиқ бўлиб, С-8288 нави ва Т-303 тизмаси оналик шаклида иштирок этган F_2 дурагайларида юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

F_3 дурагайларида белгининг наслдан-наслга берилиш коэффициентилари h^2F_1/F_3-0,36-0,71 ни ташкил этди. Т-303 ва Т-175/245 тизмалари иштирок этган Т-303 х Т-5, Т-303 х Т-175/245 ва Т-155 х Т-175/245 дурагай комбинацияларда наслдан-наслга берилиш коэффициентлари иккинчи авлод дурагайларига нисбатан паст кўрсаткичда $h^2 F_1/F_3$-0,36-0,50 бўлди.

Олинган натижалар тола чиқими белгисини ўрта ва юқори даражада наслдан-наслга берилишини ва бу белги бўйича ўсимликларни F_2 авлоддан бошлаб танлаш самарали эканлигини кўрсатади.

Тола узунлиги тола йигирувчанлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Юқори сифатли пахта толаси меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир. Олиб борилган изланишларда ота-она шакллари тола узунлиги бўйича бир-биридан кескин фарқ қилиб, уларнинг кўрсаткичлари 33,5 мм дан 37,9 мм гача бўлди. Белги бўйича юқори кўрсаткич С-8288 навида ва Т-1708 тизмасида аниқланди.

